

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ҲИМОЯЧИНИНГ РОЛИ

Эшкobilов Нурбек Ибрагимович

*Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши Судьялар олий мактаби
жиноят ҳуқуқи ихтисослиги 2-гуруҳ тингловчиси*

Аннотация: мазкур мақолада адвокатура институтини ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва экинликларини ҳимоя қилиш, инсон манфаатларини устунлиги, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш, суд – ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосида ҳимоячисининг роли муҳимлиги ҳозирги даврнинг асосий мавзуси эканлиги ҳақида.

Калит сўзлар: адвокатура институти, қонун устуворлиги, жиноят қонунчилиги, концепция, имплементация, айбига иқрорлик ҳақида келишув, ярашув институти.

Бугунги кунда, Ўзбекистон — инсон шаъни ва кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари олий қадрият ҳисобланган давлат бўлиши; халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши; «одамлар ташвиши билан яшаш», халқимизнинг қонуний талаб-истаклари ва хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш давлат органлари фаолиятини баҳолашнинг энг муҳим мезонига айланиши; барча муҳим қарорлар аҳоли иштирокида, фуқаролик жамияти институтлари билан маслаҳатлашув асосида қабул қилиниши каби принцип ва ғояларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз адвокатура институтини такомиллаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини сўзсиз таъминлаш мақсадида илғор халқаро стандартлар ва хорижий амалиётни имплементация қилишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Бунга Ўзбекистон Республикаси Конституциясида адвокатура институтига конституциявий мақом берилиб, адвокатурага бағишланган алоҳида боб киритилиши, адвокатлар фаолияти мустақиллигининг конституциявий кафолатлари кучайтирилиши яққол исботидир.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмларини назарда тутувчи конституциявий асослар мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига алоҳида XXIV-боб билан Адвокат ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганда унинг фаолиятига аралашинишга йўл қўйилмаслиги, унга ўз ҳимоясидаги шахс билан монеликсиз ва холи учрашиш, маслаҳатлар бериш учун шарт-шароитлар таъминланиши, Адвокатнинг шаъни, кадр-қиммати ва касбий фаолияти давлат



химоясида бўлиб, конун билан муҳофаза қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг тарихий аҳамиятга эга бўлган муҳим босқичи бўлди¹.

Давлатимиз мустақилликка эришган куниданоқ суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратилмоқда ва ўз ўрнида адвокатлик институти ривожланиб, жисмоний ва юридик шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиши таъминланмоқда.

Ўз навбатида, давлат жиноят-ҳуқуқий сиёсатининг мутлақо янги устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида 2018 йил 14 майда “Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси²” қабул қилинди. Мазкур Концепцияда: жиноят қонунчилиги нормаларини унификация қилиш; жиноий жавобгарлик ва жазо тизимини такомиллаштириш; фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини амалда ва ишончли химоя қилишни таъминлаш; жиноят-процессуал қонунчилик нормаларини тизимлаштириш ва уйғунлаштириш; жиноят процессида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли қафолатини таъминлаш механизмларини ва адвокатура институтини такомиллаштириш; миллий хусусиятлар ва шароитларни эътиборга олган ҳолда қонунчиликка илғор хорижий тажрибани имплементация қилиш каби тизимли вазифалар кўзда тутилган.

Дарҳақиқат, суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий омили бу инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли химоясини таъминлашга қаратилган. Адвокатура фаолияти эса жамият ижтимоий ҳаётида муҳим институтлардан ҳисобланиб, унга фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилишнинг конституциявий вазифаларини амалга ошириш юклатилган. Айниқса, одил судлов ишларини юритишда адвокатура институтининг роли алоҳида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш қафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”³ги ПФ-6041-сонли Фармони билан адвокатура институтининг яна бир бор инсон ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш борасида кенг қамровли вазифалари белгилаб берилди.

Жумладан, адвокатура фаолиятини янада такомиллашиши борасида қуйидагилар :

тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчидан ариза, тушунтириш ёки кўрсатувлар олишни мазкур жиноят иши юритувида бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма рухсатига асосан ва фақат химоячи иштирокида амалга ошириш (белгиланган тартибда химоячидан воз кечилган ҳоллар бундан мустасно);

жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш муддатини у ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисоблаш;

шахс амалда ушланган ёки уни жиноят устида ушлаш билан боғлиқ тезкор тадбир амалда яқунланган ёхуд гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги ҳақидаги қарор унга маълум

¹ «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси»ги Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (LexUz).

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини химоя қилиш қафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сонли Фармони <https://lex.uz/docs/4939467>.



қилинган пайдан бошлаб у билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни ўтказишдан олдин унинг адвокат билан холи учрашиши таъминланиши шартлигини белгилаш;

айбига иқрорлик бўйича келишув институтини жорий қилиш. Бунда, айрим жиноятлар тоифалари бўйича шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин қўнғилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган ҳолларда суриштирув ва дастлабки тергов органлари билан ёзма келишув тузилиши ҳамда унга нисбатан суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси [Махсус қисмининг](#) тегишли моддасида назарда тутилган энг қўп жазонинг ярмидан қўп бўлмаган миқдори ва (ёки) муддатигача жазо тайинлаш;

жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида гувоҳ ва жабрланувчини оғир касаллиги ёки узок муддатга чет давлатга чиқиб кетиш зарурати туфайли кечроқ сўроқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, уларнинг кўрсатувларини гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, прокурор ёки адвокатнинг илтимосномасига кўра суд томонидан тарафларнинг иштирокида олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирование) тартибини жорий қилиш;

ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича, шунингдек, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи кўриб чиқилаётганда ҳимоячининг иштирок этиши шартлигини белгилаш кабилар назарда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Янги таҳрирдаги Конституцияси [142-моддаси](#) талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида”ги ПФ-67-сон Фармонида асосан жиноят процессида ҳимоячининг мақомини кучайтириш мақсадида, унга қуйидаги қўшимча ҳуқуқ ва ваколатлар берилди:

суриштирув ва дастлабки терговда ҳимоячи томонидан исталган вақтда жиноят ишини кўзғатиш ва тугатиш ҳақидаги қарорлардан нусха олиш;

кўрсатмаларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирование) учун судга тўғридан-тўғри илтимоснома киритиш;

терговга қадар текширув ўтказилаётган шахсларга малакали юридик ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида терговга қадар текширув жараёнида ҳимоячи мақомида иштирок этиш;

иш бўйича шартнома асосида суд экспертизалари ўтказилишини ва зарур билимга эга мутахассислар жалб қилинишини ташкиллаштириш;

жиноят иши бўйича маълумотларга эга шахсларни сўровдан ўтказишда уларнинг розилиги билан махсус техника воситаларидан фойдаланиш.

Шунингдек, адвокатура соҳасига ёш кадрларни фаол жалб қилиш мақсадида олий таълим ташкилотлари юриспруденция йўналишида таҳсил олаётган битирувчи курс талабаларига адвокатлик тузилмаларида меҳнат қонунчилигига мувофиқ ўқишдан бўш вақтда адвокат ёрдамчиси сифатида иш фаолиятини олиб боришга руҳсат этилди. Бу ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатувчи малакали адвокатлар корпусини шакллантиришга кўмак бўлади.



Хулоса сифатида, айбланувчи, жабрланувчи, гумонланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳимоячининг асосий бурчидир. Биргина айбланувчининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш деганда, айблов асосизлиги муносабати билан жиноят ишини бекор қилишга эришиш; иш ҳолатларига биноан жавобгарликни енгиллаштириш мақсадида жиноят ишининг малакаланиши (квалификация) ни ўзгартиришга эришиш; тегишли асос бўлган ҳолда эҳтиёт чорасини бекор қилиш ёки ўзгартиришга эришиш; жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлашга уриниш ва бошқалардан иборат турли процессуал ҳаракатлар тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, айбланувчининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, айбсиз шахсни судлаш ёки жавобгарликка тортилишини бартараф қилиш, адолатсиз тарзда оғир жазо белгиланишининг олдини олиш, барча енгиллаштирувчи ҳолатлар мажмуасини ҳисобга олишни ўз ичига олади.

Ҳимоячининг мустақиллиги у умуман ҳимоясидаги шахснинг ихтиёри ва талаблари билан ҳисоблашмасдан фаолият кўрсатиши лозим, деган маънони англатмайди.

Ҳимоячи айбланувчининг ноқонуний уринишларига эргашмаслиги лозим, лекин у ўз ҳимоясидаги шахснинг қонун билан асосланган талабларини ҳисобга олиши шарт ва бу маънода ҳимоячининг мустақиллиги нисбийдир.

Адвокатнинг касбий бурчи унга иш бўйича барча далилларни объектив, ҳар томонлама ва сидқидилдан таҳлил қилиш ва баҳо бериш, фактларни атайлаб бузиб кўрсатмаслик, суд ва терговни чалғитишга уринмаслик, текширилаётган ҳодисаларга қонунийлик ва ахлоқ позициясидан туриб баҳо бериш мажбуриятини юклайди. Ҳимоячи ҳақиқий, ўзига маълум бўлган далиллардан фойдаланиши ёки унга маълум бўлган фактларга зид келувчи ишдаги маълумотларни қўллаши мумкин эмас.

Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Адвокатура тўғрисида”ги Қонуни нормалари, аввало, адвокатдан ахлоқий софлик, қонунларга аниқ ва оғишмай амал қилишнинг намунаси бўлишни талаб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (LexUz).
2. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (LexUz).
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон, 01.10.2018 й., 06/18/5547/1975-сон.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сонли Фармони <https://lex.uz/docs/4939467>.
5. Арупонян А.А. Международные стандарты медиации в уголовном судопроизводстве//Закон. - Москва, 2011. - №-9.
6. Юрков В.В. Институт примирения с потерпевшим в системах обращения с несовершеннолетними правонарушителями в России, Австрии и Германии // Криминологический журнал ОГУЭП. 2009. №1 (7). - С. 47.

